САМАРҚАНДДА МИЛЛИЙ-СИЁСИЙ ТАШКИЛОТЛАР ФАОЛИЯТИ ҲАМДА СОВЕТ ҲОКИМИЯТИНИНГ ЎРНАТИЛИШИ

Б.Тожибоев

Мақолада Самарқанд вилоятида миллий-сиёсий ташкилотларнинг вужудга келиши, уларнинг фаолияти архив ҳужжатлари ва тарихий адабиётлар асосида таҳлил этилиб, «Клуби исломия», «Заҳматкашлар Иттифоқи» каби ташкилотларнинг Самарқанд вилояти думасига бўлиб ўтган сайловлардаги иштироки ёритилган.

Калит сўзлар: *«Иттифоқ», большевиклар, «Шўрои Уламо», «Шўрои Исломия», «Захматкашлар иттифоқи», Самарқанд шаҳар думаси, Февраль инқилоби.*

В статье на основе архивных документов и исторической литературы проанализирована деятельность национально-политических организаций в Самаркандской области. Освещено участие на выборах в городскую думу Самаркандской области таких организаций, как «Клуб Исломия» и «Иттифоқ».

Ключевые слова: *«Иттифок», большевики, «Шурои Улема», «Шурои Исламия», «Захматкашлар Иттифоки», городская дума, Февральская революция.*

The activities of national-political organizations in Samarkand region are analyzed on basis of archive documents and historical literature participation of such organizationsas «Islamic club» and «Ittifok» in the elections to the municipal duma of Samarkand region is illucidated in the article.

Key words: *«Ittifok», Bolsheviks, Shuroi Islam, Shuroi Ulama, «The Toilers Union», Duma of Samarkand city, February revolution.*

1917 йилдан бошлаб Самарқанд тарихининг ўзига хос янги даври бошланди. Самарқанд аҳолиси Россияда монархик тузум қулагани ҳақидаги хабарни зўр хурсандчилик билан кутиб олди. 1917 йил 5 март ва 10 мартда Самарқанд шаҳрининг эски ва янги қисмларидаги намойишларда ўн мингдан ортиқ киши қатнашди [1.29].

Самарқандда тараққийпарварлар томонидан нашр этилган «Ҳуррият» газетасида ўша кунлари қуйидагилар ёзилган эди: «Ниҳоят, Россияда биз орзу қилган ва сабрсизлик билан кутган инқилоб юз берди. Эски ҳукумат ағдарилди. Бизларга эркинлик берилди, эндиликда биз сўз эркинлигига, матбуот эркинлигига эгамиз. Эндиликда ҳақиқатни айтган ва ёзган пайтимизда оғзимизни ёпишмайди. Ўз ҳуқуқларимизни талаб қилган пайтда бизга қулоқ солишади» [2].

1917 йил мартидан бошлаб Туркистонда турли жамият ва уюшмалар ташкил топа бошлади. Уларнинг энг машҳури 1917 йил 14 мартда Тошкентда тузилган «Шўройи Исломия» ташкилоти бўлган. 1917 йил 6-7 мартда Самарқанд эски шаҳаридаги Қўшҳовуз деган жойда маҳаллий меҳнаткашларнинг «Клуби исломия» ёки, оддий халқ тили билан айтганда, «Камбағаллар йиғилиши» номли илк ижтимоий-сиёсий ташкилотларидан бири ташкил топди. Жадидчилик ҳаракатининг таниқли йўлбошчиларидан бўлган самарқандлик тараққийпарварлар Акобир Шомансуров (раис), Маҳмудхўжа Беҳбудий, Мардонқул Шомуҳаммадзода ва Абдухалил Ҳасанжон ўғли бу ташкилот раҳбарлари бўлишган [3.8]. Бироқ клуб аъзоларининг хилма-хиллиги, дастлабки кунлардан бошланган келишмовчиликлар унинг тақдирини тезда ҳал қилган: таркибига юздан зиёд киши кирган ташкилот бир ярим ойлик фаолиятдан сўнг 1917 йил 15 апрелда ёпилган.

«Кенгаш» газетасида ёзилишича, Самарқандда «Мирваж ул-ислом» ташкилоти ҳам бўлган. Каттақўрғонда «Равнақ ул-ислом», Хўжандда «Муайин ат-толибин» ташкилотлари ҳам шу пайтда ташкил қилинган [4]. Бундан ташқари, Самарқандда «Иттифоқ» ва «Мивтаҳ ул-маориф» каби ташкилотлар ҳам фаолият кўрсатган.

Февраль инқилоби Туркистонга ҳам етиб келгач, Самарқанд шаҳрининг губернатори Ликошин ҳокимиятни идора қилишдан четлаштирилди. Ҳокимият туман бошлиғи Сменько ва подпоручик Севков қўлига ўтди [5.361].

Бу вақтда Самарқанд ишчиларининг ўз ташкилоти бўлмаган. 1916 – 1917 йилларда Россияда мардикорликда бўлган Э.Миржамолов, Нарзиқулов, М.Йўлдошев, Орифбоев, Худойбердиев, А.Одилов, Ширинбоев, А.Мамедов ва бошқалар ишчи ташкилотини тузиш мақсадида 1917 йил июнда Эски шаҳар ишчи ва ҳунармандлари митингини чақиришади. Митинг Самарқанд шаҳридаги Шоҳизинда майдонида бўлиб ўтиб, унда Э.Миржамолов мусулмон меҳнаткашлари ташкилотини тузиш учун нутқ сўзлайди.

1917 йилда Самарқанддаги сиёсий жараёнларнинг фаол ташкилотчиси А.Мамедов кейинчалик эълон қилинган хотираларида Самарқандда «Иттифоқ» ташкилотининг тузилишини хотирлаб, Э.Миржамолов ташкилот раиси, А.Ширинбоев ва М.Йўлдошев раис ўринбосарлари, Азимбоев хазиначи бўлиб сайланганини айтади. Унинг ёзишича, «Иттифоқ» ташкилоти мусулмон ишчилари манфаатини қаттиқ туриб ҳимоя қилган ва кундан-кунга кенгайиб борган. Самарқандда очарчилик бошланганда «Иттифоқ» ташкилоти шошилинч чоралар кўрган. Ташкилот мажлисида ишчилар кооперациясини тузишга қарор қилинади. Ишчи, солдат ва деҳқон депутатлари Совети бу қарорни тасдиқлаган. Камбағалларга кооператив орқали ёрдам берилиши туфайли «Иттифоқ» ташкилоти аъзолари ва тарафдорларининг сони янада ортган [5.362-364]. Самарқанд «Иттифоқ» ташкилоти 1917 – 1918 йиллардаги миллий матбуот материалларида кўпинча «Заҳматкашлар иттифоқи» номи билан тилга олинади.

1917 йил баҳорида Самарқандда ҳам «Шўрои Исломия» ташкилоти тузилади. Унга тараққийпарварлар ва уламолар, эндигина шаклланган миллий буржуазиянинг кўзга кўринган вакиллари, жумладан, Исохон қози, Эшон Акобирхўжа, савдогар ва катта ер эгаси Шамсибой Махсум, бойлардан Ҳасан Зубайдуллаев, Мамарайимбой, Мамадаминбой, собиқ амалдорлардан Баҳриддин, Абдуғулом ва бошқалар киришган. «Шўрои Исломия» Самарқанд ташкилотининг штаби шаҳарнинг Сўзангарон қисмидаги Ҳовузи санг маҳалласида жойлашган эди [11.369-370].

Бу даврда Самарқандда «Шўрои Исломия» ташкилоти билан бир қаторда «Иттиҳоди тараққийпарварон» (кейинчалик «Иттиҳоди тараққий») яширин жамияти ҳам фаолият кўрсатган. Туркистондаги жадидчилик ҳаракатининг машҳур намояндаси Мунавварқори Абдурашидхонов (1878-1931) кейинчалик қамоқхонада ёзган хотираларида таъкидлашича, бу жамиятга дастлаб 7 киши асос солган бўлиб, улар турклардан ва Тошкентдан (икки кишидан), Самарқанд, туркманлар ва қозоқлардан (бир кишидан) иборат бўлган. Ташкилотнинг Самарқанд шўъбасига машҳур сиймо Маҳмудхўжа Беҳбудий бошчилик қилган [12.211].

Самарқанд шаҳар Думасига сайлов олдидан «Иттифоқ» ташкилоти 1917 йил август ойида эски шаҳар меҳнаткашлари билан катта иш олиб борди. У ерда 25 та сайлов участкаси тузилган. «Шўрои ислом» ўз депутатларини 1-сон рўйхат бўйича, «Иттифоқ» ташкилоти эса 2-сон рўйхат бўйича номзодлар кўрсатган. Самарқанд шаҳри меҳнаткашларининг кўпчилиги 1917 йил 8 сентябрдаги сайловда 2-сон рўйхатга овоз берган [5.369].

Сайловлар кескин синфий кураш вазиятида ўтди. Ҳар бир партия сайловда ўз номзодларини кўтариб чиқди. «Иттифоқ» ташкилоти юздан ортиқ кишининг номини кўрсатди. Ҳаммаси бўлиб 120 депутат сайланди. «Шўрои ислом» ва «Уламо» ташкилотларининг вакиллари кўпчилик ўринни эгалладилар. Дума раислигига собиқ уезд бошлиғи Биржицкий, унинг ўринбосарлари қилиб Исахон қози ва Мирбадалов деган қозилар сайланди.

Думага сайловлар ўтгандан сўнг шаҳарда озиқ-овқат комитети ташкил қилинди. Ф.Маҳмудов шу комитет аъзоси ва Самарқанд шаҳар Боғишамол район озиқ-овқат комитети раиси қилиб сайланди. Озиқ-овқат маҳаллаларда оиладаги жон бошига қараб тақсим қилинарди. Бу ҳолат «Иттифоқ» ташкилотининг меҳнаткашлар ўртасидаги обрўсини кўтарди [5.365-370].

Таниқли жамоат арбоби Мирзахўжа Ўрунхўжаев (1897-1976) хотираларида 1917 йил воқеалари, хусусан, «Иттифоқ» ташкилоти тўғрисида шундай маълумот берилган: «Самарқандда шу пайтда касаба союз бирлашмаси негизида ишчиларнинг «Иттифоқ» ташкилоти вужудга келди. Бу ташкилот олдида ишчилар, майда ҳунармандлар ва хизматчиларнинг революцион ҳаракатига бошчилик қилиш вазифаси турарди. Маҳаллий буржуазия намояндалари ҳам юзига ниқоб тортиб ана шу ташкилот сафига суқилиб кирарди. Беҳбудий «Иттифоқ» ташкилотининг раҳбарлик ўринларига суқилиб кириб олган иккиюзламачи реформистлар – генерал Мирбадалов, Акобир Шомансуров, Ҳожисаме Ҳасанжонов, Нарзуллобек Рустамов, Сулаймонқул Остонбоев, Нарзиқул Салимбоев (Ургут ва Жомбойнинг собиқ волостной управители), Ҳожиабдуқодир Каримов, Туроббек Тўрабеков, генерал Қулжонов билан мустаҳкам алоқада эди» [6.67-68].

Самарқанд шаҳар Думасидаги сайлов рўйхатига киритилган жамиятларнинг таркиби «Шўрои Исломия» ва «Уламо» жамиятлари ўртасида сайловларда 16 сиёсий ташкилот вакиллари қатнашган бўлса, Самарқандда 6 та жамият ўзаро кураш олиб борди. Булар қуйидаги жамиятлар эди:

1. Мулкдор ва уламоларнинг «Шўрои Исломия» жамияти.
2. Бирлашган мусулмонларнинг «Заҳматкашлар иттифоқи» жамияти
3. Рус инқилобиюн иттифоқи.
4. Рус ижтимоиюн иттифоқи.
5. Рус яҳудийлар иттифоқи.
6. Рус радикал фирқаси [7.66].

Тошкентдаги «Шўрои Исломия» жамияти таркибини тараққийпарвар демократик кучлар ташкил қилган бўлса, Самарқанддаги жамият, асосан, мулкдор ва уламолардан ташкил топган эди. Бу фикрни Самарқанд шаҳар Думасига сайловларга оид материаллардан ташқари миллий тараққийпарварлардан Маҳмудхўжа Беҳбудий, Абдурауф Фитрат, Ҳожи Муин Шукрулло ва бошқаларнинг

1917 йилда миллий матбуотда чоп этилган мақолалари ҳам исботлайди.

Фитратнинг «Икки рўйхат» номли мақоласи сайловларга бағишланган бўлиб, бунда муаллиф мусулмонлар сайловда бор-йўғи икки рўйхат остида қатнашаётганларини хабар қилади. Унинг ёзишича: «Маҳаллий бўлмаган, яъни европаликлар Дума сайловига 4-5 партия ва жамиятлар номидан қатнашиб, ўзаро муросада ҳаракат қилаётган бўлсалар, мусулмонлар эса аксинча, ўзаро келиша олмайди ва бир-бирларига нисбатан адоватдадирлар. «Шўрои Исломия» жамияти ва унинг тарафдорлари «Заҳматкашлар иттифоқи» вакилларини куфирликда айбласалар-да, «Иттифоқ» жамияти ўртадаги муносабатни юмшатишга ҳаракат қилмоқда» [8] - деб ёзади.

Ҳожи Муин Шукрулло «Шўрои Исломия ва сайлов» номли мақоласида «Шўрои Исломия» билан «Заҳматкашлар иттифоқи»дан иборат икки мусулмон рўйхати тузилган бўлса-да, улар ўзаро келиша олмаётганидан афсусланиб ёзади: «шаҳар Думасига сайланган 75 вакилдан 41 нафари мусулмон, 34 нафарини европаликлар ташкил этган, бу албатта, Самарқанд «Шўрои Исломия» жамиятининг тутган йўли нотўғри эканлигидан далолат беради» [7.66]. Ҳожи Муин шаҳар Думасига сайловларда икки мусулмон жамияти ўртасидаги кураш ғайрилар фойдасига бўлганини айтиб, бу «тафриқа (айрилув)ға сабаб Самарқанд «Шўрои Исломия»си бўлғани»ни таъкидлайди. [7.66-67]. Гап шундаки, «Шўрои Исломия» жамиятидан 55 вакил ўтган бўлса-да, бунинг 18 нафари европаликлар эди. Руслар Думада ўз вакилларини кўпайтириш мақсадида турли ноқонуний усуллардан ҳам фойдаланди. Жумладан, ўша пайтда Самарқандда яшаб, «Ҳуррият» газетасига муҳаррирлик қилаётган Фитрат «Шўрои Исломиянинг хатоси» номли мақоласида қуйидагича маълум қилган: «Шўрои Ислом» жамиятининг сайлов тўғрисида «Уй эгалари» отли бир рус партияси билан иттифоқ қилғанини барчамиз билиб олдук энди. Машҳур сўзларға қарағанда, шул иттифоқ икки мусулмон, бир рус тартиби ўзаро боғланган. Мунинг маъноси шуки, «Шўройи Ислом» ўз рўйхатиға эллик мусулмон ва йигирма беш русни, икки мусулмон ва бир рус қилиб ёзадир. Сайлов куни «Шўройи Ислом» тарафдорлари бўлған мусулмонлар билан «Уй эгалари» тарафдорлари бўлған руслар шул шўронинг рўйхатиға товуш берурлар ва натижада масалан 15 голос (овоз) олинса, 5 тасини русларга бериб, 10 тасини мусулмонлар олурлар» [8.194].

1917 йил 10 декабрда Туркистон ўлка Халқ Комиссарлари Совети жойларда совет давлати аппаратини ташкил этиш ва бошқариш ишларини Советлар қўлига олиб бериш тўғрисида қарор қабул қилди. 1918 йил 18 февралда Самарқанд Советининг навбатдан ташқари йиғилиши «шаҳарни бошқаришга доир қонун чиқариш функцияларини» ишчи, солдат ва мусулмон депутатлари Совети ижро этади, деб қарор қабул қилди. 1917 йил охирига келиб Самарқанд ишчи депутатлари Совети ҳузурида озиқ-овқат, ҳарбий, молия, маъмурий ва шаҳарни муҳофаза қилиш, темир йўл, меҳнат ҳамда халқ маорифи секциялари тузилди. Самарқанд вилояти ревкоми томонидан 1918 йил январда «Шўрои Исломия» ташкилоти тарқатиб юборилди. 1917 йил декабрда «Свободный Самарқанд», 1918 йил апрелда «Ҳуррият» газеталарини нашр этиш тақиқланди. Бироқ «Ҳуррият» газетаси негизида «Меҳнаткашлар ўқи» газетаси ташкил қилинди. Бундан ташқари, Самарқанд Совети қарорига биноан, 1918 йил 17 февралда шаҳар Думаси ва ер маҳкамаси идоралари бекор қилинди [9.24-25]. Кейинчалик «Шўрои Уламо» ташкилоти фаолиятига ҳам чек қўйилди.

Большевиклар Самарқандда ҳокимиятни қўлга олгач, бутун эътиборларини уни зўравонлик билан мустаҳкамлашга қаратишди. Самарқандда дастлабки қизил гвардиячилар отряди 1917 йил ноябрда большевик А.И.Фролов томонидан ташкил этилди. 1918 йил бошларида Туркистон ўлкасидаги 8000 қизил гвардиячидан 1137 нафари самарқандликлар эди. 1918 йил 12 январда «Иттифоқ» жамияти Самарқанд Советига ерли миллат меҳнаткашларидан қизил гвардия отряди тузиш тўғрисида мактуб йўллади.

1918 йил баҳорида эса Самарқандда дастлабки қизил армия отрядлари ташкил қилинди. Бу пайтда Самарқандда шаҳар милицияси ҳам қайта тузилган. 1918 йил 8 мартда шаҳар Совети ҳузурида инқилобий трибунал ташкил қилиниб, большевиклар ва совет ҳокимиятига қарши чиққан сиёсий кучлар, ҳарбий гуруҳлар ва бошқалар ушбу трибунал ҳукми билан шафқатсиз равишда жазоланган [9.25].

Большевиклар иқтисодиёт соҳасида ҳам фавқулодда чораларни қўллаб, йирик сармоядорлар қўлидаги завод ва фабрикаларни давлат ҳисобига мусодара қилишган. Масалан, 1918 йил февралда Самарқанддаги Н.Кугель босмахонаси мусодара қилиниб, унинг хўжайини қамоққа олинган. 1918 йил 5 мартдаги декретга асосан, Самарқанддаги пахта тозалаш, ёғ ва совун заводларининг ҳаммаси совет давлати мулкига айлантирилган. 1918 йилнинг биринчи ярмида бошқа босмахоналар, чўян қуйиш ва ун заводлари, шунингдек, банклар ва темир йўл ҳам мусодара қилинган. Совет ҳокимияти бу тадбирларни давлат ва халқ фойдасига национализация қилиш деб, кенг жамоатчилик ва халқни мунофиқларча алдаган. Бундан ташқари, 1918 йил бошларида Самарқанд Совети томонидан хусусий корхоналарнинг эгаларига олтин ҳисобида 5 млн. рубль контрибуция (солиқ) солинган [9.33].

Совет ҳокимиятини мустаҳкамлаш учун 1918 йил май ойида Туркистон АССР МИКнинг фавқулодда комиссияси (РСФСР Миллий ишлар халқ Комиссарлиги вакили О.Кливлеев ва Туркистон МИК аъзоси Слестушинский) Самарқандга келди. Комиссия аъзоларининг фикри билан Самарқанд Совети тарқатиб юборилиб, унинг янги таркиби тасдиқланди. Самарқанд Советига кирган сўл эсерлар ва мусулмон депутатларининг аксарияти чиқариб ташланди. Бу пайтда Самарқанд Советининг раиси большевик А.И.Фролов эди. Орадан кўп ўтмай у Закаспий областига фавқулодда комиссар қилиб жўнатилгач, большевик В.Д.Фигельский Самарқанд Совети ижроия комитети раиси лавозимига сайланди [9.37].

Самарқанд аҳолиси вакиллари митингларда янги ўрнатилган совет режимининг мустамлакачилик моҳиятини очиб ташлашган. Масалан, 1918 йил 28 майда Каттақўрғон уездининг Пайшанба қишлоғида бўлиб ўтган митингда большевиклар ва совет ҳокимиятига қарши нутқлар сўзланган. Митингдан сўнг 20 дан ортиқ киши аксилинқилобий чиқишларда айбланиб, Каттақўрғон инқилобий трибунали томонидан жазоланган. Уларнинг ҳар бирига 5000 рубль миқдорида жарима солинган ва ушбу маблағни тўлай олмаганлар 8 ойлик қамоқ жазосига ҳукм қилинган [11].

Хулоса қилиб айтганда, 1917 йил баҳори ва кузида бутун Туркистон ўлкасида бўлгани сингари Самарқанд вилоятида ҳам катта ўзгаришлар юз берди. Петроградда бўлган Февраль инқилобининг таъсирида аввал Тошкентда, сўнгра Самарқандда ҳам миллий сиёсий ташкилотлар тузилди. Бироқ Самарқандда фаолият кўрсатган мусулмонларнинг икки йирик ташкилоти: «Заҳматкашлар иттифоқи» ва «Шўрои Исломия» ҳал қилувчи паллада бамаслаҳат келишиб иш тутмасдан, ўзаро низо ва жанжаллар гирдобига ботишди. Юзага келган вазиятдан фойдаланган большевиклар ҳокимиятни зўравонлик билан эгаллаб, совет ҳокимиятини куч билан ўрнатишди. Ишчи ва солдат депутатлари Советида ҳал қилувчи мавқега эга бўлган большевиклар миллий сиёсий ташкилотлар фаолиятига тўсқинлик қилишди. Бундай шароитда маҳаллий аҳоли ўз мустақиллиги ва озодлигини қўлда қурол олиб ҳимоя қилишга отланди.

Адабиётлар:

1. Аъзамхўжаев С. Туркистон Мухторияти: миллий-демократик давлатчилик қурилиши тажрибаси. – Т.: Маънавият, 2000.

2. Ҳуррият.- 1917.- 16 апрель.

3. Гуманенко А. Октябрь в старом городе Самарканде. – Т., 1933.

4. Кенгаш.- 1917.- 19 июль.

5. Туркистонда Улуғ Октябрь социалистик революциясининг ғалабаси. Иштирокчиларнинг хотиралар тўплами. Академик М. Йўлдошев таҳрири остида. –Т.: Ўздавнашр, 1958.

6. Ўрунхўжаев М. Унутилмас кунлар (Мемуарлар). – Т.: Ўздавнашр, 1961.

7. Ҳожи Муин. Шўрои Исломия ва сайлов // Ҳожи Муин. Танланган асарлар. Тўпловчи ва нашрга тайёрловчи: Н. Намозова. – Т.: Маънавият, 2005.- Б.66-67

8. Абдурауф Фитрат. «Шўрои Исломия»нинг хатоси // Фитрат, Абдурауф. Танланган асарлар. III жилд. Нашрга тайёрловчи ва изоҳлар муаллифи: Ҳ. Болтабоев. –Т.: Маънавият, 2003.- Б.193-195

9. Самарқанд тарихи. Икки томлик. Т. 1. Қадим даврлардан то Улуғ Октябрь социалистик революциясигача. Масъул муҳаррир И.М. Мўминов. – Т.: Фан, 1971.

10. Мунаввар Қори Абдурашидхонов. Танланган асарлар. Нашрга тайёрловчи ва сўз боши муаллифи С.Аҳмедов. – Т.: Маънавият, 2003.

11. Самарқанд вилояти давлат архиви (СВДА), 886-фонд, 1-рўйхат, 5-иш, 107-варақ.

Андижон давлат университети,
2018 йил 11 сентябрда қабул қилинган
(Тақризчи: доц. М.Абдуллаев)